

ZIYO ONA SHIRASI



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI



** № 7 (186) ** 2010 YIL, ИЮЛЬ ** МАХСУС СОН

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

2010-2011 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА

Республика иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида талаб этиладиган юқори малакали мутахассисларни сифатли тайёрлашни таъминлаш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқтисодиётни модернизация қилиш ҳамда таркибий қайта қуриш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишларини янада унификация қилиш ва олий маълумотли кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар иштирокида, олий ўқув муассасаларига қабулни янада такомиллаштиришнинг ишлаб чиқилган принципларини ҳисобга олган ҳолда, талаб қилинаётган ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассисларни иқтисодиётнинг тармоқлари ҳамда соҳаларидаги реал эҳтиёжлардан келиб чиқиб, 2010-2011 ўқув йили учун:

бакалаврларни 56 607 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича — 19755 ва тўлов-контракт асосида — 36852 нафар миқдоридан, уларни олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича 1-иловага мувофиқ тақсимлаган ҳолда;

магистрларни 5 856 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича — 1561 ва тўлов-контракт асосида — 4295 нафар миқдоридан, уларни олий таълим муассасалари ва мутахассисликлар бўйича 2-иловага мувофиқ тақсимлаган ҳолда;

бакалаврларни Тошкент кимё-технология институти (Кўнғирот бўлими)нинг махсус сиртки бўлимига давлат грантлари бўйича — 65 киши ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус сиртки бўлимига — 50 киши, шу жумладан, давлат грантлари бўйича — 15 кишини қабул қилиш квоталари 3-иловага мувофиқ белгилансин;

Муддатли ҳарбий хизматдан бўшаш чоғида олий таълим муассасаларига кириш учун тавсияномалар олган ҳарбий хизматчилардан 2010-2011 ўқув йилига умумий қабул квотаси доирасида 11 300 киши

миқдоридан бакалаврларни қабул қилиш белгиланган, бу эса умумий қабул квотасининг 20 фоизини ташкил қилади.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, 2010-2011 ўқув йилида Тошкент шаҳрида очилган Турин политехника университети янги бинолари комплексида бакалаврларни тайёрлаш бўйича қабул квоталари автомобил инжиниринги, машинасозлик технологияси, саноат ҳамда фуқаролик қурилиши инжиниринги каби ва бошқа истиқболли йўналишлар бўйича 200 киши миқдоридан белгиланган.

3. 2010-2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат комиссиясига, тест синовлари натижаларидан келиб чиқиб, белгиланган тартибда мазкур қарор билан тасдиқланган умумий қабул квоталари доирасида олий таълим муассасалари бакалавриати ва магистратураси қабул кўрсаткичларига зарур ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бошқа вазирликлар ва идоралар қабулга тайёргарлик кўриш ва уни ташкил қилиш ҳамда ҳарбий хизматдан бўшатилишида олий таълим муассасаларига кириш учун тавсияномалар олган муддатли ҳарбий хизматчилар учун белгиланган квоталарга риоя этилиши устидан назорат ўрнатсин.

5. Тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида ўзларига қарашли олий таълим муассасалари доирасида бакалаврият ва магистратура бўйича давлат гранти ҳамда тўлов-контракт асосида ўринлар квотасини таълим тилларига қараб тақсимлашга оид таклифларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2010-2011 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалаврият ва магистратурага қабул қилишнинг тасдиқланган квоталарига мувофиқ вужудга келаятган талабалар контингентини ҳисобга олган ҳолда, бюджетдан зарур маблағла, ажратилишини таъминласин;

жорий йилнинг 1 сентябрийдан бошлаб, бир нафар талабага таълим бериш харажатларидан келиб чиққан ҳолда, олий таълим муассасаларининг харажатларини бюджет маблағлари ҳисобидан норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартибини жорий этиш таклифларини бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда эгаллаб турган лавозимдаги таълим даражаси ва йўналишига нисбатан малака талаблари кўрсатилган ҳолда хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касби Классификаторини 2010 йилнинг 1 августига ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг олий таълимнинг зарур профили ҳамда даражасидаги мутахассислар билан таъминланганлигини, шунингдек, йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бакалаврлар ва магистрларга бўлган истиқболдаги эҳтиёжни ҳисобга олиш статистикасини такомиллаштириш бўйича таклифларни уч ой муддатда 2010-2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2010 йил 28 май.

МАҚСАДИМИЗ ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ, ЧУҚУР БИЛИМЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти собиқ Иттифоқ Министрлар Советининг 1974 йил 26 июль 605-сонли қарори асосида Жиззах шаҳрида ташкил топди ва ўз фаолиятини бошлади.

Институтимиз ўтган 35 йилдан орттиқ вақт мобайнида вилоятимиз ва юқоридаги олий таълим малакали кадрларни тайёрлади. Уларнинг қисми олий таълим масканларида, қисми эса замон талабларига мос равишда муносиб шарт-шароитларда.

Ўтган йилда институтимизнинг 35 йиллиги муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим ва таълим соҳасидаги ҳақиқатан ҳамда ҳақиқатан ҳам муваффақият қозонган олим ва устоз" сарфиди билан 29 профессор-ўқитувчи ва 425 та талаба билан иш бошлаган бўлса, бу йилда институтда 8 та факультет (Ўзбек филологияси, ҳаётшунослик, тарих, педагогика, табиғатшунослик, физика-математика, касб таълими, жисмоний тарбия ва жисмоний маданият) факультетлари ва қайта ташкил топилган сиртки бўлими факультети орттиқ миллат ва халқаро алоқа кафедраси билан иш бошлаган бўлиши билан таълим йўналиш бўйича 19 та факультет ва кафедралар.

Институтимизда 32 та кафедра, 13 та лабораторияси, 20 та кабинет ва 19 та кабинет, 19 та компьютерлари билан жиҳозланган аудиториялар, 4 та лингафон кабинети, 4 та ўқув корпуси, 1 та 400 ўринли ётоқхона, маънавият маркази, 700 ўринли маданият саройи, 2 та мажлислар зали, 50 дан зиёд фан тўғрараклари, 2 та стадион, 2 та кутубхона, 4 та ўқув заллари, Бобур номли спорт-соғломлаштириш оромгоҳи, 7 та овқатланиш шохобчаси фаолият кўрсатмоқда.

Институтда профессор-ўқитувчилар сони 434 нафар, уларнинг 19 нафари фан доктори, профессор, 134 нафари фан номзодлари, доцентлардир. Сунги уч йил ичида 15 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Институтда фан ва таълим интеграциясида уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва боғлиқлигида алоҳида эътибор берилмоқда. Барча факультет ва кафедраларимиз республикадаги етакчи илмий муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатган.

Институтда иқтидорли аълочи, имтиёзли битирувчи, номдор стипендияли ва халқаро спорт мусобақаларида қатнашувчи талабалар сони йил сайин ортиб бормоқда.

Бу йил республика фан олимпиадаси натижасига кўра институтимиз талабаларидан кимё фанидан Одил Ражабов 1-ўринни, биология фанидан Давлат Акрамов, физика фанидан Аббос Ёриев, материаллар қаршилиги фанидан Шерзод Ҳамраевлар 2-ўринни, мусиқа назарияси фанидан Гулҳаё Дўсмұхаммедова, жисмоний тарбия, спорт назарияси фанидан Фаррух Аҳмедовлар 3-ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

"Истеъдод" тўғраги аъзоси, мусиқа йўналиши 3-босқич талабаси Мухлиса Қодирова "Ташаббус-2009" республика кўрик-танловида

"Энг яхши хунарманд" номинацияси бўйича голиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти совғасига сазовор бўлди. Институт фольклор ҳамда ашула ва рақс ансамбли республика педагогика институтлари ўртасидаги кўрик-танловда биринчи ўринни қўлга киритди. Талабаларимиз ўртасида Давлат стипендиясига сазовор бўлган йигит-қизларимиз сафи ҳам кенгаймоқда. Сабҳот Тошпўлатова Мирзо Улуғбек номидаги, Дилдора Собирова ва Озода Хусанова Навоий номидаги давлат стипендияси соҳибалари ҳисобланади. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети 2-курс талабаси Ирода Абдурахмонова Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди.

Институтимизда ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялашнинг муҳим гарови бўлган спорт – соғломлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Хозирда 1 та очик футбол майдони, 3 та спорт зали, 2 та қўл тўпи майдони, 3 та волейбол майдони, 3 та баскетбол майдони ва очик бассейн талабалар ихтиёрида. "Талаба" спорт клуби мавжуд бўлиб, унда ёшлар спортнинг 13 тури бўйича турли секцияларда мунтазам машғулот олиб бормоқдалар. Бундай шароит ва имконият талабаларимизнинг қўлба нуфузли мусобақаларда иштирок этишини таъминлайди. Талабаларимиздан Ирода Абдурахмонова, Алишер Кенжаев, Баҳром Ҳидиров, Баҳром Эрданаев, Жонибек Ҳидиров, Ойбек Бердимуродов кураш, бокс ва сузши бўйича Ўзбекистон чемпионати ва халқаро турнирларининг совриндорларидир.

Андижон шаҳрида ўтказилган "Универсиада-2010" мусобақалари талабаларимиз ҳаётида унутилмас из қолдирди. Институтимиз вакилларида энгил атлетикачи Павел Вдовенко ва белбоғли кураш бўйича Ойбек Бердимуродовлар шохсупанинг иккинчи погонасига кўтарилиб, кумуш медалларини қўлга киритган бўлсалар, дзю-до бўйича Жамол Бурҳонов, сузши бўйича Гузалия Нугумановалар бронза медалига сазовор бўлдилар. Вилеят ҳокимлиги вилоятимиз шарафини ҳимоя қилиб ажойиб натижага эришган ушбу талабаларимизни ҳомийликка олиб, улар то институтни битирунларига қадрлар контракт шартномалари маблағларини ўтказиб беришга қарор қилди. Бу гамхўрликдан руҳланган талабаларимиз келгусида янада юқори марраларни эгаллаш учун ҳаракат қилимоқ-далар.

Ҳурматли абитуриентлар! Институтимизга ҳужжат топширганнингиз учун Сизларга миннатдорчилик билдирган ҳолда тест синовларини муваффақиятли топшириб, талабалар сафини ўзин эгаллашингизга тилақдоримиз.

О. ДЎСМАТОВ,
Жиззах Давлат педагогика
институтини ректори,
физика-математика фанлари
доктори, профессор.

АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА: ГАЗЕТАМИЗНИНГ 2, 3 ВА 4-САҲИФАЛАРИДА СИЗНИ ИНСТИТУТИМИЗ ТАРКИБИДАГИ ФАКУЛЬТЕТЛАР ФАОЛИЯТИ, БУ ЙИЛГИ ҚАБУЛ РЕЖАЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРАМИЗ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

Факультет 1974 йили ўзбек тили ва адабиёти факультетининг бўлими сифатида иш бошлади. Факультет дастлаб 3 нафар фан номзоди ва доцент, 8 та ўқитувчи, 75 талаба билан иш бошлаган бўлса, ҳозирги пайтда кундузги ва сиртки бўлимда 1635 талаба таҳсил олмақда. Буларга 84 дан зиёд ўқитувчи ва профессорлар таълим-тарбия сирларини ўргатмоқда. Ўқитувчилардан 3 нафари фан доктори, профессор (Тўракулов

муаммо юзасидан илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Илмий семинар фаолияти натижасида Н.Ў.Қушвақтов (2006 йил), С.Т.Алиқулов (2008 йил), Г.У.Жуманазаровлар (2008 йил) номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиб фан номзоди илмий даражасини олишга муваффақ бўлдилар. Бугунги кунда Н.Ў.Қушвақтов, Н.Ў.Усмонов, Г.У.Жуманазарова, С.Т.Алиқуловлар



Х.А., Маматов А. Э., Жуманазаров У.), 16 нафари доцент, 8 нафар фан номзоди, 19 таси эса катта ўқитувчидир.

Факультетда:
— Бошланғич таълим услубиёти;
— Педагогика;
— Психология;
— Мактабгача таълим назарияси ва методикаси;
— Мусиқа назарияси ва методикаси;
— Халқ чолгулари ва анъанавий ижрочилик;
— Дефектология кафедралари мавжуд.
Факультет серқўла тараққиётида институтнинг илмий кенгаши аъзолари ва собиқ ректорлар — профессорлар Б.У.Ўринбоев, У.Нишоналиев, Ўзбекистон халқ депутати, профессор С.А.Нишонов, профессор Ф.И.Мухамедов ва бугунги кунда жамоага раҳбарлик қилаётган профессор О.Дўсमतовларнинг хизматлари катта.

Факультет ташкил этилгандан буён зиё масканлари учун 5521 дан ортиқ олий маълумотли мутахассислар тайёрлаб берилди. Булардан 92 талаба имтиёзли диплом билан битиришган бўлса, 370 дан зиёд талаба эса диплом ишлари ва битирув малакавий ишларини муваффақиятли ёқлашди. Собиқ талабалар Ё.Алимқулов, Н.Усмонов, Н.Суванкулова, Ў.Кенжаева, Х.Фармонов, А.Ўролов, Д.Алибеков, Ш.Жуманов, Ў.Синдорлов, Д.Фарсахонова, И.Тўракулова, М.Исоқуловлар ҳозирги кунда талабаларга пухта билим бермоқдалар.

1997 йилдан ҳозирги кунгача факультетта Педагогик таълим халқро фанлар академияси академиги, А.Г.Неболсин номидаги Халқро мукофот лауреати, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълоҳиси, техника фанлари доктори, профессор Тўракулов Х.А. раҳбарлик қилмоқда.

Факультетда таълим-тарбия, илмий-методик, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Ҳозирги кунгача профессор-ўқитувчилар томонидан 21 та монография, 28 та ўқув қўлланма, 65 та методик тавсиянома ва 1300 дан ортиқ илмий-методик мақолалар chop этилди. Факультет қошида "Педагогика фанининг долзарб муаммолари ва таълимни технологиялаштириш" илмий семинари фаолият кўрсатади. Шунингдек, 4 та клуб ва 6 та тўғарақ ёшлар таълим-тарбиясига хизмат қилмоқда.

Факультетда «Педагогика фанининг долзарб муаммолари ва таълимни технологиялаштириш», «Психология фанининг долзарб муаммолари ва талабаларнинг касбий сифатларини юксалтириш» мавзусидаги илмий-услубий семинарлар ташкил этилган бўлиб, семинарнинг режаси ва белгиланган вазифалари мавжуд ҳамда режа асосида иш олиб борилмоқда. Кафедра профессор-ўқитувчилари мазкур

докторлик диссертациялари устида иш олиб бормоқдалар.

Факультет профессор-ўқитувчилари Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларини амалга ошириш мақсадида олиб борилаётган илмий-тадқиқот лойиҳаларида иштирок этиб келмоқдалар.

Педагогика кафедраси ўқитувчиси Д.Р.Фарсахонова «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўтказилган «Педагогик грантлар дастури – 2008» танловида «Талабаларга ахлоқий тарбия бериш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги лойиҳа билан иштирок этиб танлов ғолиби бўлди.

Факультетда иқтидорли талабалар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган. Жумладан, ҳар ўқув йилида профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабаларнинг илмий мақолалари «Фан, таълим ва амалиёт» мажмуаси сифатида тўплам кўринишида chop этирилади.

ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

Ўзбек филологияси факультети 1974 йилдан, Жиззах давлат педагогика институти ташкил топган кундан фаолият кўриб келмоқда. Факультет 1977 йилда илк мутахассисларни тайёрлаб чиқарди. Ўтган давр мобайнида факультетда 3000 дан ортиқ малакали мутахассислар тайёрланди. Яна бир эътиборли жиҳат шуки, ўзбек тили ва адабиёти факультети таркибидан турли даврларда бошланғич таълим методикаси (ҳозирги педагогика), рус тили ва адабиёти (ҳозирги ҳорижий тиллар), тарих факультетлари ажралиб чиққан.

Дастлаб «Ўзбек тилшунослиги», «Ўзбек адабиёти тарихи» кафедралари фаолият кўрсатган бўлса, кейинчалик учинчи — «Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси» кафедраси ҳам иш бошлади.

Мазкур кафедраларда 40 дан ортиқ тажрибали мутахассислар талабаларга таълим-тарбия беришмоқда. Профессор-ўқитувчиларнинг ўртача ёши 45 ёшни ташкил этади. Уларнинг 16 нафари фан номзодлари ва доцентлар, бир нафари фан доктори илмий даражасига эгадир. Ўқитувчилардан 3 нафари, яъни Ф. Бойназаров, Х. Жўраев профессор унвонига эга.

Ҳозирги кунда факультетда «Ўзбек тили ва адабиёти» таълим-тарбия бўйича давлат гранти ва тўлов-шартнома асосида бакалавр тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб 500 га яқин талаба таҳсил олмақда.

Факультетда фаолият олиб бораётган тажрибали мутахассислар: тилшунос олимлардан Х. Жўраев, Б. Файзуллаев, М. Турсунпўлатов, Т. Алмамағов, А. Муҳаммадов, К. Ядгаровлар ўзбек тилининг грамматика кўрилиши, сўзлашув нутқи, диалектология, терминология ва лугатшунослик муаммолари билан адабиётшунослардан Ф. Бойназаров, О. Жўраев, И. Икромов, А. Тангиров, Н. Соатов кабилар ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси, адабий танқидчилик муаммолари билан шуғулланишмоқда. Профессор-ўқитувчилар ва талабалар томонидан анъанавий (апрель) илмий-амалий анжуманидан ташқари, Навоий, Қодирий ва бошқа ижодкорлар илмий меросини ўрганишга, долзарб сана ва мавзуларга бағишланган анжуманлар

ўтказиш ва материалларини chop этиш изчил йўлга қўйилган. Шунингдек, иқтидорли талабалар маркази (раҳбари — филология фанлари номзоди Юлдуз Каримова) томонидан илмий-ижодий фаолиятга йўналтирилган талабалар ишларини нашр этиш ҳам бу борадаги ишларнинг ривожига катта ҳисса қўшиб келаяпти.

Кафедралар қошида кўп йиллардан буён «Ёш тилшунос», «Ёш адабиётшунос», «Ёш ўқитувчи» каби тўғарақлар, иқтидорли талабалар маркази фаолият олиб бораётган бўлиб, уларда 100 дан ортиқ иқтидорли талабалар бошланғич илмий-ижодий ишга йўналтирилгандир.

Иқтидорли талабалар билан олиб борилаётган ишлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Республика олимпиадалари, турли хил кўрик-танловлар ғолиби ва совриндорлари, номли стипендиялар номзодлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. 2009-2010-ўқув йилида факультетнинг иқтидорли талабаларидан бири Собирова Дилдора Ўзбекистон Республикасининг Навоий номи Давлат стипендияси соҳиби бўлиб, таълим-тарбия талабалар маркази раҳбарлари ва факультет профессорлари, И.И.Исмаиловлар «Келажак» жамғармаси раҳбарлари ва республика босқичида



«Келажак» жамғармаси муваффақ бўлишди. Спорт соҳасида ҳам факультет талаба-ёшлари қатор муваффақиятларни қўлга киритиб келишаёпти.

Ўзбек филологияси факультетининг аҳил жамоаси маънан ва жисмонан етуқ баркамол авлодни, бугунги кун талабалари даражасидаги юксак савияли, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш ишларини самарали равишда амалга ошириб келмоқда.

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

Факультет 1974 йили ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 45 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 3 нафари фан доктори, профессор, 23 нафари фан номзоди, доцент, 11 нафари катта ўқитувчи ва 8 нафари ўқитувчилар.

2008 йил сентябрдан факультетни доцент Б. Н. Эргашев бошқармоқда.

Факультетда 6 та кафедра мавжуд. Булар — «Умумий математика», «Умумий физика», «Информатика ва ахборот технологиялари», «Техника ва касб таълими фанлари», «Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси».

Ўтган давр мобайнида 3200 дан зиёд математика, физика, информатика, меҳнат

таълими, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси ўқитувчилари тайёрлаб берилди. Улардан 420 нафари имтиёзли диплом билан тугатган. Битирувчилар орасида фан номзодлари, таълим муассасалари раҳбарлари мавжуд.

Факультетда ҳозирги кунда 856 дан ортиқ бакалавр таҳсил олмақда.

Факультет Бирлашган Ядровий тадқиқотлар маркази (Россия Федерацияси, Дубна шаҳри), М. Танк номидаги Беларуссия педагогика университети, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Романовский номидаги математика институти, Физика-техника институти, «Замонавий ахборот технологиялари»

илмий-техника маркази, «Қуёш» Илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, М. Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети, Тошкент Давлат педагогика университети каби олий ўқув юртли ва илмий-тадқиқот институти билан ўзаро ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Факультетга қўйидаги ихтисосликлар бўйича талабалар қабул қилинади:

- Бакалаврият:**
5140100 – математика
5140200 – физика ва астрономия
5142000 – меҳнат таълими
5140700 – тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси

Аспирантура:
01-04-16- атом ядроси ва элементар зарралар физикаси.

Факультетда ҳар 4 мутахассислик бўйича талабаларнинг чуқур билим олишлари учун барча шароитлар мавжуд. Замонавий компьютерлар билан жиҳозланган синфлар, физика лабораторияси, маънавият ва маърифат маркази, кутубхона, шунингдек 4 та мустақил таълим хонаси ишлаб турибди.

Ҳозирги кунга қадар факультет профессор-ўқитувчилари томонидан 36 та қўлланма 56 та ўқув ва услубий тавсияномалар, 380 дан ортиқ илмий ва илмий-услубий мақолалар chop этилган. 16 та факультет бўйича ўқув адабиётларининг электрон версиялари яратилган. 110 дан ортиқ халқро ва республика миқёсидаги илмий-назарий, илмий-услубий ва илмий-техникавий конференцияларда илмий маърузалар билан иштирок этилган.



ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

Хорижий тиллар факультети институт очилган 1974 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. 1978 йилдан бошлаб "Рус тили ва адабиёти" факультети сифатида фаолият кўрсатган, 1998 йилда "Хорижий тиллар" факультети деб номланган. Дастлаб факультетда "Рус тили ва адабиёти" мутахассислиги бўйича олий маълумотли мутахассислар тайёрланган. 1995 йилдан инглиз тили йўнали-

Холбеков Муҳаммаджон Нурқосимович).
3. "Чет тиллар" кафедраси (мудир — филология фанлари номзоди доцент Бойматов Абдуҷаббор Эшқобилович).

4. "Хорижий тилларни ўқитиш услубияти" кафедраси (мудир — филология фанлари номзоди, доцент Ким Олег Алексеевич).

Факультетда ҳозирги кунда 3 нафар фан доктори, 10 та фан номзоди, доцентлар фаолият кўрсатмоқда. Профессор ўқитувчилардан 2 нафари докторлик, 10 нафари номзодлик диссертациялари устида иш олиб боришмоқда. Исмаилова Наташа, Норбеков Фарход, Жўраев Илҳом, Жабборов Шерзод, Эшонқулов Ҳамроқул, Сайипова Шохиди каби ўқитувчилар номзодлик диссертацияларини яқунлаш арафасида турибдилар. Охириги 5 йил давомида иқтидорли талабалардан Жўраева Манзура, Расулов Улуғбек Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси, Расулова Гулшан, Шамсиева Олима, Тошматова Зухра, Яхшиева Зулфия, Расулова Гавҳар, Хусанова Озода А.Навоий номли Давлат стипендияси совриндорлари бўлдилар. Ҳозирги кунда уларнинг кўпчилиги танлаган мавзулари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришмоқда ва имтиёз билан магистратурада ўқишапти.

2009 йилда факультетда иқтидорли талабалар илмий-ижодий маркази ташкил этилди. Марказга филология фанлари доктори, профессор Пардаева Зулфия Жўраевна раҳбарлик қилмоқда. Талабалар бундан ташқари мазмунли ташкил этиш мақсадида кафедралар қошида "Лингвист", "Гегас", "Инглиз тилида сўзлашишни ўрганимиз" каби фан ва бошқа спорт тўғрисида фаолият кўрсатмоқда.



ши бўйича ҳам бакалаврлар тайёрлана бошланди. Факультетда таълим олган мутахассислар ҳозирги кунда МДҲ мамлакатларида, АҚШ, Исроил, Исландия, Австралия, Франция каби давлатларда яшаб ишламоқда.

Бугунги кунда факультетда 650 дан кўпроқ талабалар таҳсил олмақда.

Факультетга 1997 йилдан 2007 йилгача доцент Пирназаров Умирбой раҳбарлик қилган. 2007 йилдан буён факультетни педагогика фанлари номзоди, доцент Нурманов Абдуназар бошқариб келмоқда. Ҳозир факультет институтнинг энг йирик факультетларидан бири бўлиб, бугунги кунда 4 та кафедра фаолият кўрсатмоқда.

1. "Рус тили ва адабиёти" кафедраси (мудир — филология фанлари номзоди, доцент Ходжиметова Дилором Жўраевна).

2. "Инглиз тили ва адабиёти" кафедраси (мудир — филология фанлари доктори, профессор

ТАБИАТШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

Педагогика ва БТУ факультети қошидаги «Биология» бўлими асосида 1996-1997 ўқув йилининг июнь ойида Кимё-биология факультети ташкил этилди. Дастлабки йилларда (1996-1997 ўқув йилида) факультет декани вазифасида кимё фанлари номзоди Э.Б. Шамуратов ишлаган. Шу йилларда факультетда иккита кафедра — «Табиатшунослик асослари» ва «Тиббий билим асослари» кафедралари мавжуд бўлиб, улар биология, кимё, география йўналишида мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган. 1998 йил сентябр ойидан бошлаб факультетга биология фанлари доктори, профессор Х.Мавлонов раҳбарлик қилиб келмоқда. Кимё-биология факультети асосида 2005 йил янги ном билан «Табиатшунослик» факультети ташкил этилди. Унда учта йўналиш бўйича ўқитувчи кадрлар тайёрлаш мўлжалланган.

— 5140300 — Кимё ва экология ўқитувчиси.

— 5140400 — Биология ва инсон ҳаёт фаолияти муҳофазаси ўқитувчиси.

— 5140500 — География ва иқтисодий билим асослари ўқитувчиси.

Факультет қошида бешта кафедрада 54 нафар профессор ва ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда (шундан 3 та фан доктори, профессор, 18 та фан номзоди ва доцентлар, 24 та катта ўқитувчи ва 9 та ўқитувчи). Техник ходим ва лаборантлар сони 12 та. Таълим олаётган талабалар сони 896 та (шундан 274 нафари грант 622 нафари шартнома асосида ўқийди.)

2005-2006 ўқув йилида ботаника йўналиши бўйича аспирантура очилди. Ҳозирги кунда учта аспирант номзодлик диссертациялари илмий изланишлар олиб боришмоқда. Ҳозирги кунда факультетда 5 та хижозланган фан кабинетлари, 6 та лаборатория хонаси, 15 та ўқув хонаси ва 3 та маъруза хонаси мавжуд. 2 та компьютер хонаси мавжуд. Ҳозирги кунда Жаззах вилоятининг 5 та академик

лицейи ва коллежларида ўқув филиаллари фаолият кўрсатмоқда. «Ёш зоолог», «Ёш ботаник», «Сихат-саломатлик», «Ёш кимёгар», «Ёш саяҳатчилар», «География-иктисод» каби тўғрақлар ишлаб турибди. Шунингдек, «Сирли олам» клуби иш бошлади.

Факультет жамоаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, ботаника, зоология, география, неорганика ва полимерлар химияси илмий текшириш институтлари, Ўзбекистон Миллий Университети, Самарқанд Давлат Университети, Тошкент Давлат педагогика университети, Ташкентнинг химик, биолог ва географ олимлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Кафедраларда Зомин ва Нурота Давлат кўриқхоналари билан шартномалар тузилган ва у ернинг фауна ва флорасини ўрганиш ва муҳофаза қилиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Иқтидорли талабалар билан ишлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Талабалар республика фан олимпиадаларида қатнашиб, бир неча марта фахрли ўринларни эгалладилар. Тўртинчи курс талабаси Тошпўлатова Сабоҳат 2009-2010 ўқув йилида Улуғбек стипендиясига



Э.Б. Шамуратов бўли. Учинчи курс талабаси Армонов Давлат биология фанидан Республика талабалар фан олимпиадасида иккинчи ўринни эгаллади.

Ҳозирги йиллар мобайнида факультетда иккита фан доктори ва бешта фан номзоди этиштиқ чиқди.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ФАКУЛЬТЕТИ

Факультет 1976 йил 1 сентябрдан педагогика ва бошланғич таълим факультетининг бўлими сифатида, 1990 йилдан мустақил иш бошлади. Факультетни доцент О.Э.Муқимов бошқармоқда.

Ҳозирги кунда кундузги бўлимда 529 та, махсус сиртки бўлимида 119 та талаба таълим-тарбия олади. Талабаларга 33 нафар профессор-ўқитувчилар таълим тарбия берадилар. Улардан 1 на-фари профессор, 3 нафари фан номзодлари, доцентлар, 15 нафари катта ўқитувчилар ва 14 нафари ўқитувчилардир.

Факультетда 3 та кафедра — «Жисмоний тарбия назарияси ва миллий спорт турлари услубияти», «Спорт фанлари ва услубияти», «Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият» кафедралари фаолият кўрсатади.

Факультет ташкил этилгандан буён энг маълумотли жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаб берди. Ўтган даврда факультет талабалари шаҳар, вилоят ва республикамиз спортини ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар.

Бир қатор талабалар спортнинг футбол, кураш, эркин кураш, энгил атлетика, сузиш ва бошқа турлари бўйича спорт усталари ва спорт усталигига номзод бўлиб республика шарафини ҳимоя қилдилар. Жумладан, Абдурахмонова Ирода спортнинг дзю-до туридан 10 карра Ўзбекистон чемпиони, 5 карра Осиё турнири совриндори, 2 марта

Жаҳон биринчилиги иштирокчиси, АҚШ, Франция, Германия, Италия, Япония, Хитой, Таиланд, Вьетнам, Қозоғистон, Қирғизистонда ўтказилган халқаро турнир ғолиби ва совриндори бўлди. Талаба Хидиров Баҳром спортнинг бокс тури бўйича халқаро ва республика биринчилиги ғолиби, спортнинг энгил атлетика туридан талаба Вдовенко Павел кумуш ва бронза, Юнусов Анузар бронза, Кузязев Рустам кумуш, Бектимиров Рамил бронза медаллари совриндори бўлишди. Юнусов Анузар шунингдек, ёзги биотлон бўйича жаҳон чемпиони бўлди.

Факультет моддий-техника ва ўқув базаларига эга. Кафедралар қошида 11 та услубий хона, 2 та спорт зали, 1 та ёзги бассейн, 4 та баскетбол, 4 та волейбол, 2 та кўл тўпи майдончалари, 2 та стадион, 2 та мини футбол, 2 та гимнастика майдони ва югуриш, узунликка сакраш, ядро иргитиш майдонлари мавжуд бўлиб асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланган. Кейинги йилларжа жаҳон андозаларига мос келадиган 2 та ёпик спорт зали қурилди ва 2006-2007 ўқув йилининг бошида фойдаланишга топширилди.



ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

Тарих мутахассислиги бўйича 1995 йил «Ўзбек тили ва адабиёти» факультети қошида алоҳида гуруҳ, сўнгра бўлим этиб ташкил этилган. 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб тарих мустақил факультет сифатида фаолият кўрсата бошлаган. Унга дастлаб доцент А. Ботиров бўлим бошлиғи (1995-1999

2. «Ижтимоий фанлар» кафедраси (кафедра мудир фалсафа фанлари доктори Б. Очилова).

3. «Умумий тарих» кафедраси (кафедра мудир вазифасини бажарувчи доцент Болтаев А).

4. «Миллий истиклол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари» кафедраси (кафедра мудир вазифасини бажарувчи ўқитувчи Т. Ҳамроқулов).

Тарих факультетида ҳозирги кунда жами 666 та талаба таҳсил олмақда.

Бугунги кунда факультет битта компьютер хонаси, 17 та ўқув хонаси, маънавият хонаси, кўчма музей ҳамда кафедралар жойлашган хоналардан иборат базага эга. Факультет талабаларига 60



дан ортиқ профессор-ўқитувчилар фан асосларидан таълим беришмоқда. Уларнинг учтаси фан доктори, 20 дан ортиғи фан номзоди, доцент ва қилганлари катта ўқитувчи ва ўқитувчилардир. Ўқитувчилардан 3 таси докторлик ишини ҳимоя қилиш арафасида.

Факультет профессор-ўқитувчиларидан доцент М.Пардаев 2007 йил Францияда, 2009 йил Японияда, ўқитувчи С.Назқосимов эса 2007, 2009 йилларда Хитойда малака оширишда бўлиб қайтганлар.

Факультет талабаларининг ютуқлари ҳам анчагина. Улар орасида фан олимпиадалари, нотик талабалар танловининг, «Келажак овози» танловининг, Навоий номли давлат стипендиясининг совриндорлари бор.

Улар қуйидагилар:
1. «Ўзбекистон тарихи» кафедраси (кафедра мудир доцент А. Пардаев).

ҚАЙСИ ЙЎНАЛИШДА ҚАЙСИ ФАНЛАРДАН СИНОВ БЎЛИШНИ БИЛИНГ

2010-2011 ўқув йили учун ўтказиладиган
тест синовларида тест саволлари китобига
кирадиган предмет блоклари ҳақида

МАЪЛУМОТ

(Олий таълим муассасалари Бош бошқармасининг
2010 йил 16 июндаги 87-01/1-109-сонли
модемномаси асосида)

№	Таълим йўналишлари	Предмет блоклари
1.	Математика	Математика, Физика, Она тили ва адабиёти
2.	Физика ва астрономия	Физика, Математика, Она тили ва адабиёти
3.	Кимё	Кимё, Биология, Она тили ва адабиёти
4.	Биология	Биология, Кимё, Она тили ва адабиёти
5.	География ва иқтисодий билим асослари	География, Математика, Она тили ва адабиёти
6.	Тарих	Тарих, Она тили ва адабиёти, Чет тили
7.	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	Математика, Ижодий имтиҳон, Она тили ва адабиёти
8.	Педагогика ва психология	Биология, Она тили ва адабиёти, Тарих
9.	Музыка таълими	Она тили ва адабиёти, Ижодий имтиҳон, Тарих
10.	Ўзбек тили ва адабиёти	Она тили ва адабиёти, Тарих, Чет тили
11.	Она тили ва адабиёти (рус тили ва адабиёти)	Рус тили, Тарих, Чет тили
12.	Рус тили ва адабиёти (ўзга тилли гуруҳларда)	Русский язык, Родной язык и литература, История
13.	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	Тарих, Она тили ва адабиёти, Чет тили
14.	Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш	Она тили ва адабиёти, Математика, Тарих
15.	Мактабгача таълим	Биология, Она тили ва адабиёти, Тарих
16.	Дефектология	Биология, Она тили ва адабиёти, Тарих
17.	Жисмоний маданият	Биология, Ижодий имтиҳон, Она тили ва адабиёти
18.	Меҳнат таълими	Физика, Математика, Она тили ва адабиёти

МАЛАКА ОШИРИШ ФАКУЛЬТЕТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги «Ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимининг такомиллаштирилиши чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 263-сонли буйруғини бажариш мақсадида Жиззах давлат педагогика институти қошида малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети очилиб, вилоятдаги академик лицей ва касб-хунар коллежларида фаолият кўрсатаётган умумтаълим фанлари ва муҳандис-педагоглар ўз малакаларини оширишлари учун Халқ таълими вазирлигининг 2006 йил 4 февралдаги 0-1-96-сонли хати билан рухсат берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» ги 25-сонли қарорига асосан факультетда малака ошириш курслари ташкил қилини келинмоқда. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети билан буюртмачи - вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ўртасида тингловчилар сонига асосланиб хўжалик шартномаси имзоланади ва шу асосда молиялаштирилади.

Факультет моддий-техника базасига эга. 2 та ўқув хонаси, 1 та компьютер хонаси, 1 услубий хона тингловчилар ихтиёрида. Биология, физика фанларидан лабораториялар ва лингафон хоналари иш-

лаб турибди. Узоқ масофадан келиб малака ошириш курсида ўқиётган тингловчиларга институтининг талабалар уйидан 2 та хона ажратилган. Бундан ташқари тингловчилар институт ахборот-ресурс марказидан унумли фойдаланишади.

Факультетда ўқув машғулоти ўрта махсус, касб-хунар таълими Маркази томонидан тасдиқланган ўқув режаси асосида олиб борилади.

Ўқув режасига асосан «Кўчма» ва «Тажриба алмашиш» машғулоти энг намунали, илғор педагогик тажрибага эга бўлган таянч таълим муассасаларидан Жиззах Давлат педагогика институти қошидаги 1-сонли «Сайилжойи» ва 2-сонли Жиззах политехника институти қошидаги 1-сонли Жиззах политехника институти қошидаги 1-сонли педагогик лицейлари ҳамда Жиззах тиббиёт, педагогика, транспорт, алоқа касб-хунар коллежларида ўзаро ҳамкорлик шартномалари асосида ўтказиб борилади.

Факультетда илмий-тадқиқот ишлари намунали йўлга қўйилган бўлиб, дарс берувчи профессор-ўқитувчилар илмий-тадқиқот ишлари Халқаро, Республика, вилоят ва институт миқёсида уюштирилган илмий-назарий конференция, семинарлар ва педагогик ўқишларда катнашиб келмоқдалар.

Келгусида факультетда вилоятдаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг барча умумтаълим фанлари ўқитувчилари учун амалий семинар-кенгашлар, давра суҳбатларини ташкил этиш ва уни ўтказиш режалаштирилган.

АБИТУРИЕНТЛАРГА ЭСЛАТМА

● Саволлар китобини синчклаб текшириб чиқинг. Агар фанларда типографик хато ёки бошқа сабабларга кўра тўла нашр қилинмаган бўлса дарҳол аудитория раҳбарига хабар қилин. Сиз тўлдирилган жавоблар варағи билимингизни баҳолашда асосий ҳужжат ҳисобланади. Уни тўлдиришда хатоликка йўл қўйманг.

● Тўлдирилган жавоблар варағаси абитуриентнинг билим даражасини белгиловчи асосий ҳужжатдир.


● Тест вақтида абитуриентнинг аудиториядан чиққанлар қайтадан тест синовларига қўйилмаслиги, тест саволларнинг бир-бирлари билан гаплашиши, жавобларни ёзишда ёрдамчи бўлишларини бошқаларга узатиш, микроалькулятор, лугат, қўлёғ ва бошқа ёрдамчи алоқа воситалари ва шпаргалкалардан фойдаланиш ҳақида шартномалардан нафақа кўриш ва бошқаларга кўмаклашиш таъқиқланади.

● Тест қоғдаларини қўпол равишда бузган абитуриент таълим муассасасига нолайик саналиб, далолатнома тузилиб, синовдан четлаштирилади.

● Саволлар китобидаги вариант номери билан жавоблар варағида кўрсатилган вариантнинг номери бир хил бўлиши жуда муҳимдир, акс ҳолда, тест натижаси беқор қилинади. Жавобларни белгилашда жуда эҳтиёткорлик билан ишлаш керак, агар жавоблар варағининг тагига картон қоғози қўйилмаса, тешикча пайдо бўлишига ёки доирачанинг бузилишига сабаб бўлади, бу эса чиқариладиган натижага салбий таъсир этди деганимизнинг аниқлиги.

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИГА 2010-2011 ЎҚУВ ЙИЛИДА ТАЪЛИМЛАВРЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ҚАБУЛ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ТАКСИМЛАНИШИ (Кундузги бўлимлар бўйича)

№	Шифр	Таълим йўналишлари	Жами	Давлат грантлари асосида			Тўлов-контракт асосида				
				Жами	Шу жумладан			Жами	Шу жумладан		
				Ўзбек	рус	қозоқ		Ўзбек	рус	қозоқ	
			1540	505	445	40	20	1035	905	100	30
1	5140100	Математика	100	30	20		10	70	55		15
2	5140200	физика ва астрономия	60	20	20			40	40		
3	5140300	Кимё	75	20	20			55	55		
4	5140400	Биология	75	20	20			55	55		
5	5140500	География ва иқтисодий билим асослари	75	25	25			50	50		
6	5140600	Тарих	75	20	15	5		55	40	15	
7	5140700	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	40	10	10			30	30		
8	5140800	Педагогика ва психология	100	25	25			75	75		
9	5141000	Музыка таълими	75	25	25			50	50		
10	5141100	Ўзбек тили ва адабиёти	120	40	40			80	80		
11	5141300	Она тили ва адабиёти (рус тили ва адабиёти)	75	20		20		55		55	
12	5142200	Рус тили ва адабиёти (ўзга тилли гуруҳларда)	25	10		10		15		15	
13	5141500	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	75	20	20			55	55		
14	5141600	Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш	250	100	90		10	150	135		15
15	5141700	Мактабгача таълим	50	15	15			35	35		
16	5141800	Дефектология	50	20	20			30	30		
17	5141900	Жисмоний маданият	120	45	40	5		75	60	15	
18	5142000	Меҳнат таълими	100	40	40			60	60		

 <p>МУАССИС: Абдулла Кодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти</p>	<p>Бош муҳаррир: Абдукарим ШАРИПОВ</p> <p>Редакцияга келган хатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.</p> <p>Муаллифлар фикри тахририят нуқтан назаридан фарқлиниши мумкин.</p>	<p>Газета Жиззах вилоят Матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 26 декабрда 06-017 раёми билан рўйхатга олинган.</p> <p>Босишга топширилган вақти — 19.00 Топширилди — 18.00 Навбатчи: М. Абдуллаев</p>	<p>Манзил: Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, Абдулла Кодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти.</p> <p>«Zamin Print» МЧЖ босмахонасида офсет усулида 5000 нусхда босилди. Манзил: Жиззах шаҳри, Сайилжойи кўчаси, 4-уй. Буюртма № 176. Shaki- A.</p>
---	--	--	--

Мелков
2.79